

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

АМИНЖОНОВА МАТЛУБА АХМЕДОВНА

**СУҒУРТА ШАРТНОМАСИДА ТАРАФЛАРНИНГ
МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Аминжонова Матлуба Ахмедовна Суғурта шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги масалалари.....	3
Аминжонова Матлуба Ахмедовна Вопросы обязанности и ответственности сторон договора страхования.....	33
Aminjonova Matluba Axmedovna Obligations and responsibilities of of the parties to the insurance contract	61
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	66

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

АМИНЖОНОВА МАТЛУБА АХМЕДОВНА

**СУҒУРТА ШАРТНОМАСИДА ТАРАФЛАРНИНГ
МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.1 DSc/Yu96 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Усмонова Муборак Акмалжоновна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Насриев Илхом Исмоилович юридик фанлар доктори, профессор Камалов Ойбек Ахматович юридик фанлар доктори, профессор Рустамбеков Исламбек Рустамбекович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона кўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Yu.74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «11» октябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2019 йил « 28 » сентябрда тарқатилди.

(2019 йил «28 » сентябрдаги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.М. Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида иқтисодий қўллаб-қувватловчи ва уни ривожлантиришга имкон яратувчи омил сифатида суғурта хизмати алоҳида эътибор қаратилади. Бу фаолиятни ривожлантиришда суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида сифатли таъминланиши суғурта мукофотлари захирасини оширишга хизмат қилади. Шунини қайд этиш лозимки, дунёда суғурта хизмати кўрсатиш сифати суғурта мукофотлари захирасининг миқдори билан баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан суғурта хизмати кўрсатиш сифатини ошириш борасида суғурта даъволарини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ходисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш, суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш каби вазифалар белгилаб берилган¹.

Жаҳонда суғурта хизмати кўрсатиш сифатини оширишнинг ҳозирги босқичида суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини такомиллаштириш, уларнинг жавобгарлигини мустаҳкамлаш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса суғурта фаолияти иштирокчиларининг жавобгарлигини такомиллаштириш, суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг шартномага оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, туризм, экологик, тиббий суғуртани жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, мазкур суғурта шартномалари бўйича тарафларнинг мажбуриятини ижро этишга оид муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш, мажбуриятларни ижросини таъминламаганлик учун тарафларга қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни ҳуқуқий оқибатларини илмий таҳлил этиш муҳим касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори асосан мажбурий суғурта ҳисобига ривожланаётганлиги, аҳолини ихтиёрий суғурталашга доир эҳтиёжи жуда пастлиги суғурта қонунчилигини бугунги кун талабларига ва халқаро стандартларга мос эмаслигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг 3.1-бандида «суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш» вазифаси белгиланган².

¹Мирзиёев Ш.М. Суғурта бозорини ривожлантириш масалалари. 10.07.2019 йилдаги йиғилиш материаллари. www.president.uz

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. <http://www.lex.uz/docs/3107036>.

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг «Банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш ҳамда соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш» номли 3.2. бандида суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, унда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янги таҳририни ишлаб чиқиш, барча мажбурий суғурта турларини ягона ҳужжатга мужассамлаштириш ва мажбурий суғурталанадиган фаолият турларини кенгайтириш вазифалари белгиланган³.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги (2002), «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» (2008), «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» (2009), «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги (2015) қонунлари, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва суғурта хизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш,

³2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури <https://regulation.gov.uz/ru/document/1678>.

⁴Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ox.ac.uk>; <http://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; www.hs-mittweida.de;

суғурта шартномаси институтини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Thompson Rivers University (Канада), University of Vienna (Австрия), University of Pennsylvania (АҚШ), University of Miami (АҚШ), University of Hamburg (Германия), Bournemouth University (Англия, Дорсет графлиги), Academy of European Law (Венгрия), The Centre for Environmental Law Macquarie (Австралия), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Корея Республикаси), Москва давлат юридик университетида (Россия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: туристларни турли хавф-хатарлардан суғурталашни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш асослантирилган (University of Cambridge, Буюк Британия), ахборот технологияларидан фойдаланиш оқибатида етказиладиган зарарлардан суғурталашни тартибга солиш механизми ишлаб чиқилган (National institute of justice, АҚШ), суғурталашнинг янги турлари таклиф этилган ва жорий қилинган (National institute of justice, Америка Қўшма штатлари), фарзандни соғлом туғилиш хавф-хатарини суғурталашни тартибга солиш самарадорлиги аниқланган (University of Harvard АҚШ), ахборот техникалари билан ишлаш оқибатида етказиладиган зарарлардан суғурталаш самарадорлигини оширувчи муҳим омил эканлиги асослантирилган (University of Oxford, Буюк Британия), (University of Heidelberg, Германия), (Okinawa International University, Япония), шунингдек, суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган (Бутун Россия Ташқи савдо Академияси, Томск давлат университети, М.В.Ломоносов номидаги Россия давлат университети, Россия Туризм давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети).

Дунёда суғурта хизмати кўрсатишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган қатор устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Интеллектуал мулк ҳуқуқини суғурталашни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, мажбурий суғурта механизмларини такомиллаштириш, суғурта фаолиятининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш; суғурта соҳасида барқарор ривожланишни жорий этиш, ихтиёрий суғурта қилдирувчиларни рағбатлантириш чораларини жорий этиш, узок муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта қилдирувчиларга имтиёзли ҳуқуқлар белгилаш, суғурта муносабатларини комплекс ҳуқуқий тартибга солиш шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида қатор олимлар томонидан суғурта қонунчилигини такомиллаштиришга доир

илмий ишлар тақдим этилган. Жумладан, Х.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шорахметов, М.Б.Усмонов, О.Оқюлов, К.О.Синдаров, А.А.Мухаммадиев, И.И.Насриев, Ж.Т.Холмўминов, Ш.Н.Рўзиназаров, М.А.Усманова, С.С.Гулямов, Б.Б.Самархўжаев, Р.Ж.Рўзиев, К.Қ.Рашидов, Х.Т.Азизов, М.Х.Боротов, В.Ё.Эргашев, Т.А.Умаров, М.М.Нурматов, И.Р.Рустамбеков, Н.Ф.Имомовлар томонидан шартномаларнинг тузилиши, шартномаларда мажбуриятларнинг вужудга келиши ва бекор бўлишига доир илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек, суғурта фаолиятини тартибга солишнинг у ёки бу қирраларини фундаментал тадқиқот сифатида ўрганишга доир ҳам бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, К.Қ.Рашидов жавобгарликни суғурталашга доир ҳуқуқий тизимни таҳлил қилиб, ҳалқаро кўламда юк ташишда ташувчиларнинг жавобгарлигини суғурталашнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини, Ю.Турсунов эса суғурта фаолиятига доир ҳуқуқий тизимни ўрганишга доир дарсликлар, ўқув қўлланмалар чоп эттирган бўлса, Н.Н. Абдуллаева суғурта фаолиятида жавобгарликни суғурталашни ҳуқуқий тартибга солиш, Н.С.Нарматов суғурта хизмати кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, А.У.Эргашев транспорт эгаларининг фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, М.С.Болтаев эса Ўзбекистон Республикасида тиббий суғуртани тартибга солиш масалалари, Д.Р.Махмудов эса суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фундаментал илмий тадқиқот ишларини амалга оширган.

Хорижий давлатларнинг олимлари K.Black (USA)., R.Michael, Argow, J.Kenneth, Ambrose, E.Stephen, Broskway, P.George, D.A.Gauntlett, Джерома Йетмана (Париж) ва W.Adahamлар (India) суғурта хизмати кўрсатишнинг самарадорлигини оширишга доир турли мавзуларда тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

МДХ давлатларида В.И. Райхер, О.С. Иоффе, И.И.Брагинский, В.В.Витрянский, Ю.Б.Фогельсон, М.Я.Шиминова, А.Ю.Кабалькин, Л.В.Санникова, К.Г.Воблый, В.Р. Идельсон, Орланюк-Малицкойлар каби бошқа бир қатор дунёнинг таниқли иқтисодчи ва суғурта ҳуқуқи буйича мутахассислари ўзларининг илмий ишлари билан суғурта соҳасини ривожлантиришга ғоят катта ҳисса қўшганлар.

Бозор муносабатларини шакллантиришда суғурта бозори ва суғурта масалалари буйича МДХ мамлакатларидан В.С.Белых, В.В. Шахов, И.Э. Шинкаренко, И.В. Кривошеев, Д.А. Петров, В.Н.Яковлевлар, суғурта ва суғурта бозорини ривожлантириш ҳақида кўплаб маълумотларни келтириб ўтишган.

В.И.Райхер томонидан суғурталаш фаолиятининг келиб чиқиш тарихи, унинг ривожланиш босқичларига оид илмий тадқиқот иши олиб борилган бўлса, рус олимлари И.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийлар суғурта шартномасининг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиб, уни илмий асослаб бериш билан боғлиқ масалаларни ўз илмий ишларида баён этишган. «Суғурта

шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги масалалари» яхлит фундаментал илмий тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш» илмий изланишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғурта шартномасида тарафларнинг мажбуриятлари ва уни бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлигини илмий ва назарий таҳлил қилиш ва суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- суғурта шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлигини белгиловчи миллий ва халқаро қонунчилик нормаларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- суғурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги билан боғлиқ низоларни вужудга келтирувчи сабабларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

- суғурта шартномаси мажбуриятини бажармаганлик учун қўлланиладиган жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

- суғурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган жавобгарликнинг турларини ва шакллари таҳлил этиш;

- суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурта фаолияти жараёнидаги мажбуриятларини бажармаслиги натижасида суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш;

- суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги суғурта шартномаси билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари чуқур ўрганиб, суғурта шартномасини ижросини таъминлашга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш;

- суғурта шартномасида мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик турларини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объектини суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятлари ва бу мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини суғурта ташкилотлари билан фуқаролар, юридик шахслар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги суғурта муносабатлари жараёнида вужудга келадиган мажбуриятлар ва бу мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун

жавобгарликни қўллашни тартибга солувчи қонунчилик нормалари, уларни қўллаш амалиёти ва шу билан билан боғлиқ муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг умумий ва махсус усуллари кенг фойдаланилди. Хусусан, анализ ва синтез, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари), мантиқийлик ҳамда статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғурта товони йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланиши, шунингдек, суғурталовчи йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан ташувчининг ташаббусига ёки суғурталовчининг талабига кўра кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан ташувчининг юзага келган барча билдирилган ва исботланадиган харажатлари ўрнини ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплаб бериши, бунда суғурта товонининг ва ташувчи мазкур харажатларининг умумий суммаси суғурта пули миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги асосланган;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш ҳақидаги ёки тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори ташувчига у суғурта товонини тўлаш талаби кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши, суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилган бўлиши, суғурта товони суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бевосита жабрланувчига ёки наф олувчига тўланиши ҳақидаги таклиф асослаб берилган;

суғурталовчи жабрланувчининг ёки наф олувчининг талабномасини ташувчи томонидан кўриб чиқишда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда эса тегишли экспертларни жалб этиш, суғурта ҳодисалари юзага келишининг олдини олиш бўйича тавсиялар бериш, ташувчига регресс талаби қўйиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳамда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан ташувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган ташувчи ва жабрланувчи ёки наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши каби мажбуриятларни белгилаш асослаб берилган;

суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа шартнома амалда бўлган даврда содир бўлса-да, етказилган зарар шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг аниқланса, фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс (суғурта қилдирувчи, наф олувчи), агар зарар шартнома амалда бўлган даврда етказилган ёки етказилиши бошланган бўлса, суғурта товонини талаб қилишга ҳақлилиги,

ушбу ҳолатда зарар суғурта шартномаси амалда бўлган даврда етказилган ёки етказилиши бошланганлигини исботлаш мажбурияти суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зиммасига юклатилиши ҳақидаги таклиф асослантирилган;

суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида суғурталовчи ўз вақтида билганлигини ёхуд суғурталовчида бундай маълумот мавжуд эмаслиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир қилмаслигини, яъни бундай маълумотларнинг мавжуд эмаслиги унинг (суғурталовчининг) суғурта ҳодисасининг ҳақиқатда содир бўлганлиги ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш имкониятига таъсир қилмаслиги ҳақидаги далилларни тақдим қилиб, суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этганлиги юзасидан низолашиш имкониятига эга эканлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Суғурта шартномаси тушунчасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилиши суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштиришга, суғурта моҳиятини очиб беришга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги Қонунини бекор қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ташувчи транспорт корхоналарининг хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, ташиш хизматидан фойдаланиш жараёнида йўловчиларга етказилган зарарларни ўз вақтида қопланишига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг транспорт хизмати соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади;

ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг тушунчаларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига алоҳида-алоҳида акс эттирилиши, фуқароларда суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турларини бир-биридан фаркланишини таъминлайди;

суғурта шартномасининг лозим даражада тузилмаслиги оқибатида келиб чиқадиган зарарларни суғурталовчи зиммасига юклаш таклифи, суғурта шартномаларини лозим даражада тузишга оид суғурталовчининг масъулиятини оширади ҳамда суғурта қилдирувчиларга сабабсиз зарар етказилишининг олдини олади;

«суғурталовчи» ва «суғурта қилдирувчи» сўзларининг таърифларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига акс эттирилиши таклифи ушбу кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида ушбу тушунчаларни турлича қўлланилганлик ҳолатига барҳам беради;

«суғурта товони» тушунчасига таъриф бериш таклифини жорий этилиши суғурта товони тушунчасини суғурта пули, суғурта мукофоти ва суғурта бадалидан фаркланишини таъминлайди, шунингдек, суғурта товонини фақатгина суғурта ҳодисаси рўй берганда тўланишини кафолатлайди;

суғурта шартномасида суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўламасликни таъминловчи шартларни ғайриқонуний белгиланишига йўл қўйганлик учун жавобгарликни белгиланиши, суғурталовчининг суғурта товонини тўлашдан асоссиз бўйин товлашини олдини олади;

суғурта идораларининг жойлардаги филиалларига суғурта товонини тўлаш бўйича мустақиллик бериш таклифини жорий этилиши, суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарларни ўз вақтида тўлашга хизмат қилади;

суғурталовчига суғурта пулининг суғурта объектининг қийматидан ортиқ белгиланганлик ҳолати бўйича етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклатиш ҳақидаги таклифини жорий этилиши, суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси объектини ўз вақтида баҳолаш мажбуриятини таъминлашга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг «Мажбурий (давлат мажбурий) суғуртани амалга ошириш тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «2019-2020 йилларда суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ижросини таъминлашга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Мажбурий (давлат мажбурий) суғуртани амалга ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилишга оид таклифларни амалий жиҳати шундаки, бу таклифларни амалга тадбиқ этилишида суғурта шартномаси тарафлари мажбуриятларининг тенглиги принципи таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета сўрови шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда, суғурта соҳасини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда, суғурта

хизмати кўрсатиш билан боғлиқ тузиладиган шартнома тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлигини мустаҳкамлашда, суғурта хизмати кўрсатиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш жараёнида дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, шунингдек юриспруденция йўналишидаги таълим жараёнида ҳамда суғурта фаолиятини модернизациялашнинг илмий-назарий таҳлили асосида олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик ёндошувларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчиликни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг тегишли қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, суғурта хизмати кўрсатиш идоралари томонидан сифатли суғурта хизмати кўрсатишни таъминлаш, суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг жавобгарлигини такомиллаштиришда, суд ва прокуратура ходимларининг малакасини оширишда, суғурта соҳасидаги низоларни ҳал этишда ва суғурта қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда, судларда шу турдаги ишларни кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғурта шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги масалаларига оид тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни 12-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 16 майдаги 06/1-05/1806вк-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши суғурта товони суғурта ходисаси натижасида кўрилган зарар учун тўлов эканлиги ва бу тўловни тўлаш мажбурияти суғурталовчининг зиммасида бўлишини таъминлашга, шунингдек, амалиётда суғурта товони ўрнига суғурта бадали тушунчасини ишлатилиши каби хатоликни бартараф этишга хизмат қилган;

суғурта товонини тўлаш тартибига оид яъни суғурталовчининг суғурта товони тўлаш мажбуриятини ижро этиш муддати чегарасини белгилаш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 16 майдаги 06/1-05/1806вк-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши ташувчи корхоналар томонидан йўловчиларга суғурта ходисаси натижасида

етказилган зарарни, яъни суғурта товонини ўз вақтида тўлашни кафолатлашга хизмат қилган;

суғурталовчининг мажбуриятларини белгилашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни 17-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 16 майдаги 06/1-05/1806вк-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши суғурталовчи ташкилотларнинг ташувчи корхоналарга суғурта хизмати кўрсатиш бўйича мажбуриятини лозим даражада бажарилишини таъминлашга хизмат қилмоқда;

суғурта ҳодисаси келиб чиқиши тасодифий бўлганлиги сабабли суғурта қилинган воқеа шартнома амалда бўлган даврда содир бўлса-да, етказилган зарар шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг аниқланган ҳолларда ҳам агар зарар шартнома амалда бўлган даврида етказилган ёки етказилиши бошланган бўлса, суғурта товонини талаб қилиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарорининг 11.1-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 20 августдаги ПЛ-46-19-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши суғурта шартномаси амалда бўлган вақтда содир этилган, лекин суғурта шартномаси муддати тугаган ҳолларда ҳам содир этилган ҳодисанинг натижасида етказилган зарарларни тўланишини таъминлашга хизмат қилган;

суғурта ҳодисаси ҳақида ўз вақтида хабар бермаганлик ҳолатида, агар суғурта ҳодиса натижасида зарар етказилганликни исботлаш имконияти мавжуд бўлса суғурта товонини тўлаш бўйича низолашиш ҳуқуқини белгилашга оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарорининг 12-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 20 августдаги №ПЛ-46-19-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши суғурталовчи ташкилотлар томонидан суғурта товонини тўлашни ассосиз рад этилишининг олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари ва хулосалари муаллифнинг 49 та илмий ишида ўз ифодасини топган. (3 та монография, 3 та қўлланма, 29 та илмий мақола, 14 та тезислар) Ушбу мақолаларнинг 19 таси (шу жумладан 5 та мақола хорижий нашрларда, шундан 2 таси ОАК рўйхатидаги журналда) Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатидаги журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн тўртта параграфдан иборат тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мазкур тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, унинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг I-боби “Ўзбекистон Республикасида суғурта хизмати кўрсатишда шартномавий муносабатлар ва унда тарафларнинг мажбурияти” деб номланиб, у тўрт параграфдан иборат. Биринчи параграф «Ўзбекистон Республикасида суғурта хизмати кўрсатишининг моҳияти ва уни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари»га бағишланган бўлиб, унда бозор иқтисодиёти шароитида суғуртанинг тутган ўрни ва бу соҳани тартибга солишга доир қонунчилик тизими тадқиқ этилган. Мазкур параграфда диссертант тадқиқот натижаларига кўра, суғурта компаниялари томонидан суғурта идораларини бошқариш тизими бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди деган хулосага келади. Яъни, суғурта хизмати кўрсатиш соҳасини марказлашганлик асосида бошқариш, яъни суғурта товони тўлашни компанияларнинг бошқарув органлари томонидан ҳал қилиниши тартибини соддалаштириш лозимлиги, бошқарувнинг бу усули суғурта компанияларининг жойлардаги бўлимлари томонидан ўз фаолиятини ташаббускорлик ва тадбиркорлик асосида олиб боришига жиддий ҳалал бераётганлиги асосланга берилган. Шу сабабли, суғурта хизматини филиаллар орқали амалга оширишда уларнинг мустақиллигини таъминлашга катта эътибор қаратиш, бунда, ҳар бир суғурта ҳодиса бўйича суғурта товонини тўлашни мустақил белгилаш ҳуқуқини филиалларга бериш ва уларга ташаббускорлик кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратиш таклифи илгари суради. Шунингдек, олимларнинг (Ж.Рўзиев, М.Ходжаева, Н.Нарматов В.И.Серебревский, Г.Ф.Шершенович) суғурта тушунчасига оид илмий назарий фикрларини таҳлил этиб, диссертант томонидан «суғурта», «суғурта товони» тушунчаси очиб берилган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасида суғурта муносабатларини тартибга солишга доир қонунчилик тарқоқ ҳолда қўлланилаётганлиги, уларнинг кўлами жуда кенг эканлиги, шунингдек, ривожланган давлатлар

Франция, Канада ва бошқа давлатларда бугунги кунда суғурта муносабатлари «Суғурта кодекси» билан тартибга солинаётганлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта кодекси»ни қабул қилиш таклифини илгари сурган. Мазкур фикр бир қатор олимлар томонидан (Н.Абдуллаева Х.Собиров Д.Махмудов) ҳам эътироф этилганлигини қайд этади. Тадқиқот натижасига кўра, аҳолини суғурта хизматига бўлган талабини ва бу хизматга бўлган ишончини ошириш мақсадида суғурталашнинг янги турларини жорий этиш таклифи илгари сурилган ҳамда бозор иқтисодиёти шароитидаги турли кутилмаган ҳодисалардан ҳимоялашга оид суғурта турларини жорий этиш лозимлиги қайд этилган. Яъни, бозор иқтисодиёти шароитида кўплаб учрайдиган молиявий инқирозлардан ҳимоялашга доир эҳтиёжларини суғурталаш, шунингдек, ишсизлик ҳолатини суғурталаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига «фуқаролар ўзларини ишсизликдан ҳимоялаш мақсадида суғурта шартномаси тузишлари мумкин»- деган мазмундаги янги модда киритиш ғоясини илгари суради.

Ушбу бобнинг «*Суғурта шартномасида мажбурият тушунчаси ва унинг тарафлар мақомига кўра вужудга келиш асослари*», деб номланган иккинчи параграфда суғурта шартномаси мажбурияти илмий тадқиқ этилиб, шартномада ҳар доим бир тараф суғурта ташкилоти бўлса, иккинчи тараф суғурта қилдирувчилар суғурталанаётган объектнинг турига қараб, жисмоний ёки юридик шахслар бўлиши, давлат мажбурий суғурта шартномаларида эса ҳар икки тараф ҳам фақат юридик шахслар эканлигини илмий асослантириб беради. Шунингдек, суғурта шартномаси бошқа турдаги шартномалардан ўзининг объекти, субъекти ва мақсади билан тубдан фарқ қилишини инобатга олиб, «суғурта шартномаси» «суғурта қилдирувчи», ихтиёрий ва мажбурий суғурта шартномаси тушунчалари бирор-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-бобига киритиш таклифини илгари сурган. Диссертант ўзининг ушбу таклифини ривожланган бир қатор хорижий ва МДХ давлатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида бу тушунчалар аниқ ёритиб берилганлиги, келгусида бу тушунчаларнинг миллий қонунчиликда ёритилиши суғурта шартномаси тарафларига ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ билиши учун имкон яратиши ҳақидаги фикрлари билан асослайди. Ушбу параграфда мажбурий ва ихтиёрий суғурта шартномаларининг бир-биридан фарқли жиҳатлари очиб берилган, унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳам мажбурияти турлича эканлиги асослантирилган.

Диссертант суғурталовчининг турли усуллар орқали суғурта товонини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига «Суғурталовчи атайлаб ўз манфаатини кўзлаган ҳолда шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришни истисно этувчи ғайриқонуний шартларни назарда тутган ҳолда шартнома тузишга эришганда суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича ўз

мажбуриятини бажариши билан бир қаторда шартномада бундай шартларни белгиланганлиги натижасида суғурта қилдирувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаши шарт»-деган мазмундаги алоҳида модда билан тўлдириш таклифини илгари сурган.

«Суғурта шартномасида суғурталанувчи ва суғурталовчининг мажбуриятлари ва уни ижро этиши билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар» деб номланган учинчи параграфда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, тарафларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг ҳуқуқий оқибатлари очиқ берилган ва суғурта шартномаси мажбурияти тушунчасига таъриф берилган.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфи «Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг мажбуриятлари», деб номланиб унда суғурта қилдирувчи билан суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликларга баҳо бериш юридик фан олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланиши қайд этилади. Чунки, ҳуқуқий мақом ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи бўлиб, суғурта хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда уларнинг бажарилишини, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқликка баҳо бериш, суғурта шартномаларини тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори босқичга кўтаришда долзарб аҳамият касб этади.

Диссертант суғурталовчи, аджастер, сюрвейр, брокер, актуар каби суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг суғурта бозоридаги ҳуқуқий мақомини таҳлил этар экан, суғурталовчининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга доир таклифларни илгари суради.

Ўзбекистон Республикасида «суғурталовчилар» деганда суғурта компаниялари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари тушунилади. Ҳар бир суғурталовчи ўз фаолияти давомида суғурта қилдирувчилар олдида суғурта ҳодиса натижасида етказилган зарарни, яъни суғурта товонини қоплаш мажбуриятига эга. Суғурта қилдирувчи эса биринчи навбат суғурта бадалини тўлаш мажбуриятини олади. Диссертант Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ҳамда ривожланган давлатларнинг суғурта фаолиятининг ҳуқуқий тизимини таҳлил этиб, «суғурта қилдирувчи» - тушунчасини қонунчиликда белгилаш таклифини илгари суради. Чунки, «суғурта қилдирувчи» сўзи айрим ҳолларда «суғурта қилувчи», «суғурта қилинувчи» каби кўринишда қўлланилаётганлиги, айрим ҳолларда ушбу сўзлар суғурталовчини ифода этишда ҳам қўлланилаётганлиги сабабли «суғурта қилдирувчи» - тушунчасини қонунчиликда белгилаш лозим деб ҳисоблайди ва «суғурта қилдирувчи - муомала лаёқатига эга бўлган, ёзма равишда суғурта ташкилоти билан шартнома тузиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслардир» - деган мазмунда Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига киритиш таклифини илгари суради.

Диссертациянинг II-боби «Суғурта шартномаси мажбуриятини таъминлаш усуллари ҳамда мажбуриятни бекор бўлиш асослари»-деб

номланиб, ушбу бобнинг «*Суғурта шартномаси мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш усуллари ва фуқаровий ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари*»-деб номланган биринчи параграфиди суғурта шартномаси мажбурияти тушунчаси ва уни вужудга келиш асослари диссертант томонидан илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Ҳар бир мажбуриятда албатта, икки тараф иштирок этгани каби суғурта шартномасида ҳам суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи иштирок этади. Муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб этишга ҳақли бўлган тараф – кредитор бўлган тараф бу суғурта қилдирувчи бўлиб ҳисобланади. Муайян ҳаракатни қилишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур бўлган қарздор тараф бу суғурталовчи ҳисобланади. Суғурта қилдирувчининг кредитор ҳисобланиши сабаби суғурта қилдирувчида суғурта бадалини тўлагандан сўнг суғурта ҳодиса рўй берганида кўрилган зарарни қоплаш бўйича суғурта товонини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Суғурталовчинини қарздор деб ҳисобланиши сабаби эса суғурта қилдирувчи томонидан тўланган бадални олган суғурталовчида унга келгусида суғурта ҳодиса натижасида етказилган зарарни шартномада белгиланган пул миқдорида яъни етказилган зарар миқдорида қоплаш бўйича мажбурияти вужудга келади. Лекин, суғурталовчида суғурта қилдирувчига нисбатан суғурта бадалини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ҳам суғурта шартномасида кредитор ва қарздор сифатида намоён бўлади. Диссертант суғурта шартномаси мазмуни ва моҳиятини суғурта қилдирувчига тушунтириш, суғурталанаётган объектни суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг хизматидан фойдаланган ҳолда кўздан кечириш ва баҳолаш суғурталовчининг асосий вазифаси сифатида қонунчиликда белгиланишини илгари суради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфиди «*Суғурта шартномаси мажбуриятларини бекор бўлиш асослари: муаммо ва ечим*»лар ёритилган.

Диссертант суғурта шартномасида мажбуриятларнинг бекор бўлишини ўзига хос хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, суғурта шартномасида мажбуриятларнинг бекор бўлиши ўзига хос хусусиятга эканлигини асослайди. Яъни, суғурта шартномалари маълум бир муддатга тузилсада, суғурта ҳодиса рўй бериши натижасида белгиланган муддатдан эрта бекор бўлиши ҳам бу шартноманинг асосий хусусиятини белгилайди. Юридик шахс тугатилиши билан ёки шартнома тарафи ҳисобланган жисмоний шахс вафот этиши билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши масалалари суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан махсус тартибга солинмаганлигини инобатга олиб, Фуқаролик кодексининг 948-моддаси биринчи қисмига «шартнома тарафи ҳисобланган юридик шахснинг тугатилиши ёки шартнома тарафи ҳисобланган жисмоний шахснинг вафот этиши» деган жумлаларни киритиш таклифи илгари сурилган. Чунки, бу ҳар икки ҳолатда ҳам агар юридик шахс тугатилса ёки жисмоний шахс вафот этса шартнома бўйича олинган мажбуриятларни бажарувчи тарафлар бўлмаганлиги сабабли шартнома бекор қилинади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 948-моддаси тўртинчи қисмидаги «Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди» - деган қоида илмий таҳлил этилган. Муаллиф фикрига кўра, ушбу қоида фақатгина бир тарафлама белгиланган. Чунки, юқорида қайд этилганидек, ушбу жумлада фақатгина суғура қилдирувчининг ташаббуси билан суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмаслиги қайд этилган. Бундай ҳолатда шартноманинг кинчи тарафи ҳисобланган суғурталовчининг ташаббуси билан шартнома муддатидан олдин бекор қилинса қандай тартиб белгиланганлиги мавҳум қолганлиги сабабли Фуқаролик кодексининг 948-моддаси тўртинчи қисмини: «суғурталовчи ёки суғурта қилдирувчи суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурта шартномаси амалда бўлган муддатга муносиб равишда суғурта бадалини ушлаб қолган ҳолда, суғурта бадалини қолган қисми қайтариб берилади. Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг айби билан бекор қилинса, шартноманинг амал қилиш муддатидан қатъий назар суғурта бадали суғурта қилдирувчига тўлиқ қайтариб берилади»-деган тахрирда берилиши таклиф этилган.

«Суғурталовчининг мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ суброгация ҳуқуқининг вужудга келиш асослари»-деб номланган учинчи параграфда суброгация ҳуқуқининг моҳияти илмий таҳлил этилиб, унинг регресс даъводан фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Диссертантнинг фикрига кўра, суброгация қилишда ҳеч қандай янги ҳуқуқ пайдо бўлмайди, мажбуриятдаги суғурта товонини тўлаш вақтида мавжуд бўлган ҳуқуқий ворислик юзага келади. Ҳуқуқларнинг суғурта қилувчига ўтиши бирламчи ҳуқуқий муносабат субъектларининг розилигидан қатъи назар амалга оширилади. Суброгация суғурта қилувчи томонидан суғурта тўлови мажбуриятининг бажарилиши натижасида содир бўлади. Бироқ муносиб равишда бажариш тўғрисидаги меъёрларга мувофиқ мажбуриятни бекор қилиш содир бўлмайди. Мажбурият сақланади ва шу вақтнинг ўзида кредиторнинг суғурта қилдирувчига ўтказган ҳуқуқ миқдорида алмаштириш амалга оширилади. Бунда суғурта қилдирувчининг ҳуқуқларини суғурталовчига ўтказиш тўғрисида шартнома суброгация тилхати каби бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши талаб этилмайди – ҳуқуқ қонун бўйича ўтади. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, суброгация юзага келган муаммони ҳал қилишнинг энг маъқул усулини ўзида ифода этади. Унда кўзда тутилган ҳуқуқни ўтказиш туфайли тегишли муносабатларнинг уччала иштирокчисининг манфаатлари қаноатлантирилиши таъминланади. Демак, суғурталовчи қонун бўйича ўтган суброгация ҳуқуқи асосида суғурта ҳодиса оқибатида етказилган зарарни қоплаш мақсадида суғурта қилдирувчига тўланган суғурта товонини ўрнини тўлдириш имкониятига эга бўлади. Бу жараёнда суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодиса билан боғлиқ барча маълумотларни суғурталовчига тақдим этиш мажбурияти вужудга келади.

«Суғурта шартномасида тарафлар мажбуриятини таъминлашни такомиллаштириш масалалари»-деб номланган тўртинчи параграфда мажбурий (давлат мажбурий) суғурта шартномаларининг тарафлари, уларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги таҳлил этилиб, бу турдаги суғурта шартномаларини тузмаганлик учун ҳеч қандай жавобгарлик чораларини мавжуд эмаслиги сабабли амалиётда мажбурий суғурта шартномаси тузиш мажбурияти юклатилган жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ўз мажбуриятларини турлича бажарилишига олиб келаётганлиги қайд этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасига кўра, суд бошқарувчилари, «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 28-моддасига кўра, молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи, Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига кўра, аудиторлик ташкилотлари ўзларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши белгиланган. Яна бир қатор қонунларда айрим жисмоний ёки юридик шахсларга бундай мажбурият юклатилган бўлишига қарамай, бу мажбуриятни бажармаганлик учун ҳеч қандай жавобгарлик чораси белгиланмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг талабларини бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-2-моддасида, Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг талабларини бузганлик учун 135-1-моддада, Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг талабларини бузганлик учун 146-1-моддаларда маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланганлиги сабабли бу турдаги мажбурий суғуртанинг амалиёти бир хилда ижро этилмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш лозим бўлган жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан бу каби маъмурий жавобгарлик чораларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кетма-кет киритиб борилиши, кодекснинг ҳажмини сунъий оширишга олиб келади. Масалан, Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексда ҳам шу каби жавобгарлик чоралари мажбурий суғурта турларига қараб белгиланган.

Мажбурий суғуртани ижросини бир хилда таъминлаш ҳамда мажбурий суғурта соҳасидаги юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш Ўзбекистон Республикасининг «Мажбурий (давлат мажбурий) суғуртани амалга ошириш тўғрисида»ги Қонунини қабул қилишни, ушбу қонунда мажбурий суғурта шартномасини тузиш тартиби, уни тузиш мажбурияти юклатилган жисмоний ёки юридик шахсларнинг ушбу шартномани тузмаганлиги учун жавобгарлиги, унинг ҳуқуқий оқибатлари акс эттирилишини тақозо этади. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида мажбурий ёки давлат мажбурий суғурта шартномаларини тузиш мажбурияти юклатилган шахслар томонидан бундай шартномаларни тузмаганлик ёки ўз вақтида тузмаганлиги учун жавобгарлик белгиланиши қайд

этилган. Яъни, битта моддада белгиланган жавобгарлик чораси барча мажбурий (давлат мажбурий) суғурта шартномаси тузиш мажбуриятига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахслар учун ушбу мажбуриятни бажармаганлиги учун бир хил жавобгарликни қўллашни назарда тутди. Бу эса ўз мажбуриятини бажармаган жисмоний ёки юридик шахсларга жавобгарликни қўллашда одиллик, тенглик тамойилларини ўзида акс эттириши билан бир қаторда қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертант, «суғурта шартномасини ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни қонуний расмийлаштириш» суғурталовчининг асосий мажбурияти сифатида белгиланиши зарур деб ҳисоблайди. Чунки, амалиётда суғурта шартномасининг нотўғри расмийлаштирилганлиги ҳам суғурта товонини тўлашни рад этишга асос бўлиб келмоқда. Суғурталовчи учун бундай мажбуриятнинг белгиланиши суғурта шартномаларини ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришда қонунийликни таъминлашга, энг асосийси суғурта қилдирувчининг ҳуқуқи бузилишини олдини олишга хизмат қилади.

Диссертациянинг III-боби «**Суғурта шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва уни қўллаш асослари**», деб номланиб, ушбу бобнинг «*Суғурта шартномасида тарафларнинг жавобгарлиги тушунчаси*» мавзусидаги биринчи параграфда суғурта шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қўлланиладиган жавобгарлик чоралари илмий тадқиқ этилган.

Маълумки, суғурта шартномаларига биноан тарафлар ўзларига бир қатор мажбуриятлар оладилар. Булар суғурта товонини ўз вақтида тўлаш, суғурта полисини беришни кечиктирмаслик, суғурта бадалларини ўз вақтида тўлаш, суғурта объектини асраш, суғурта ҳодиса рўй берганда вақтида хабар бериш ва суғурта билан боғлиқ бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин. Демак, суғурта шартномалари муносабатларига оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик фақат қонун нормаларига риоя қилмасликдангина келиб чиқмасдан, балки шартнома қоидаларига итоат этмаслик, уларни бузиш орқали ҳам вужудга келди. Юқоридагиларга кўра, суғурта шартномаларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, биринчидан, шартномага оид ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши, иккинчидан, шу хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунда жавобгарлик белгиланган бўлиши ҳисобланади.

Суғурта шартномаларини бузганлик учун энг асосий жавобгарлик турларидан бири фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у шартнома тарафларининг мажбуриятларни бажармаганликда ёки лозим даражада бажармаганлик учун қўлланилади. Ушбу параграфда суғурта шартномаси тарафларига шартнома мажбуриятини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қўлланиладиган жавобгарлик илмий тадқиқ этилган.

«*Суғурта шартномаси тарафларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги асослари ва шартлари*»-деб номланган иккинчи параграфда жавобгарликни қўллашга оид ҳуқуқий асослар, унинг мақсади, жавобгарликни қўллаш шартлари илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Суғурта шартномалари тарафлари учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асоси биринчи навбатда шартноманинг ўзи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг мажбурий суғурталашга доир нормаларини ўзида ифода этган бир қатор қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича суғурта шартномаси ўз мазмун-моҳиятига кўра бошқа шартномалардан фарқ қилишини инобатга олган ҳолда бу шартнома бўйича мажбуриятларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни асосида жавобгарлик белгиланиши тўғри бўлмайди. Чунки, суғурта шартномасида икки томон суғурталовчи ва суғурталанувчи иштирок этсада, суғурта шартномаси мажбуриятларини бажаришда суғурта хизмати кўрсатишнинг бошқа профессионал иштирокчиларининг ҳам иштироки мавжуд. Шу билан бир қаторда суғурта шартномаси учинчи шахс фойдасини кўзлаб тузилган ҳолларда шартномада иштирок этувчи учинчи шахснинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлади. Ана шу жиҳатдан суғурта хизмати кўрсатиш шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган жавобгарлик турларини аниқ белгиловчи алоҳида «Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш ҳозирги кунинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Чунки, бу Қонуннинг қабул қилиниши суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятларини белгилашда ва уларнинг жавобгарлиги учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни тўғри белгилашни таъминлайди. Ҳозирги кунга қадар суғурталовчилар ўзининг асосий мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини тўлиқ билмаслиги ҳам ушбу Қонунни қабул қилишга эҳтиёж мавжудлигини белгилайди.

Юқоридагиларга кўра, диссертант ушбу параграфда суғурта шартномаси тарафларининг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ушбу мажбуриятларни бажармаганлик учун белгиланадиган жавобгарлик чораларини ўзида ифода этувчи ягона бир қонунни қабул қилиш таклифини илгари сурган.

Учинчи бобнинг «*Мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиладиган жавобгарликнинг шакллари*», деб номланган учинчи параграфида диссертант суғурта шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қўлланиладиган жавобгарликнинг шаклларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этади.

Фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик мажбуриятларни бажармаган қарздор зиммасига жавобгарликни зарарларни қоплаш, неустойкани кредитор фойдасига тўлаш каби шаклларда амалга ошириш вазифасини юклашдан иборатдир.

Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун етказилган зарарни қоплаш ва неустойкани ундириш мулкий жавобгарлик шакли бўлганлиги сабабли бунинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, зарарни қоплаш

жавобгарлик чораси (шакли) сифатида қонунда назарда тутилса ҳам, унинг миқдори шу мажбуриятни бажармаганлик натижасида етказилган зарар миқдорига боғлиқ бўлиб, ҳақиқатда исботланган бўлиши лозим. Демак, зарарни ҳақиқатда ҳам мавжудлигини исботлаш вазифаси зарар кўрган суғурталовчи ёки суғурта қилдирувчининг зиммасига юкланади. Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун тарафларга етказилган зарар-деганда суғурта шартномаси натижасида етказилган зарар тушунилмаслиги лозим. Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузилганлиги учун етказилган зарарни аниқлашнинг хусусияти ҳам шундаки, бошқа шартномаларда бирор бир хизматни кўрсатмаганлик мажбуриятни бажармаганлик ҳисобланса, суғурта шартномаларида бирор-бир ҳодиса натижасида етказилган зарарни, яъни суғурта товонини тўлашдан асоссиз бош тортганлик натижасида қўшимча етказилган зарар назарда тутилади.

Суғурта шартномаларида ҳам кўп ҳолларда мажбуриятларни бажарилмаслиги натижасида бевосита зарар етказилганлиги аниқ бўлмаслиги мумкин. Лекин, бундай ҳолларда албатта шартномада белгиланган неустойка ундирилиши назарда тутилади. Мажбуриятни бузилишида зарар етказилмасда лекин, шу мажбуриятни бузилишида айбнинг мавжудлигини аниқлаш масаласи эътиборда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948-моддасига кўра, суғурта объекти суғурта шартномасида назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича нобуд бўлганда суғурта қилдирувчи томонидан тўланган суғурта бадалининг суғурта қилдирувчи томонидан ушлаб қолиниши ва суғурта шартномасининг бекор қилиниши суғурта қилдирувчининг айбсиз ҳаракатлари учун чора белгиланганлигини айбсиз ҳаракатлар учун жавобгарликни қўллашга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки, суғурта қилдирувчида суғурта объектининг нобуд бўлиш истаги бўлмасда, суғурта объектининг нобуд бўлиши суғурта қилдирувчига ўз-ўзидан молиявий зарар келтиради. Бундай ҳолатда суғурталовчи томонидан суғурта бадалини шартнома амал қилган муддатга тўлиқ ушлаб қолиниши суғурта қилдирувчини молиявий қийинчиликка олиб келади. Юқоридагиларга кўра, диссертант ушбу параграфда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948-моддасига «суғурта объекти суғурта шартномасида назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича нобуд бўлганда суғурта бадалининг шартнома амалда бўлган муддатга ҳисобланган қисмининг 50 фоизи қайтариб берилади»-деган мазмунда ўзгартириш киритиш таклифини илгари суради.

Диссертациянинг IV-боби «**Суғурта шартномалари мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликнинг турлари ва уни такомиллаштириш масалалари**»-деб номланади. Ушбу бобнинг «*Суғурта шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик қўллашда айбдорлик даражасининг аҳамияти*» деб номланган биринчи параграфда мажбуриятларни бузишда тарафларнинг айбли қилмишлари қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлигини таҳлил этиш уларга жавобгарлик белгилашда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таҳлил этилган.

Суғурта шартномасига асосланган мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун айбдорликнинг мавжудлиги фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Жавобгарликни қўллашда айбнинг бор йўқлиги, унинг қандай даражада эканлиги ва ким томонидан унга йўл қўйилганлигига эътибор бериш лозим. Бундай ҳолларда суғурта идораларининг имкониятлари катта бўлиб, суғурта ходисанинг келиб чиқиши, унинг келиб чиқишида айбдор шахсни аниқлаш каби масалаларни ҳал қилиш юзасидан бир қатор ҳуқуқлар белгиланган. Диссертант фикрига кўра, суғурталовчининг юқорида қайд этилган айрим ҳуқуқларини мажбурият сифатида белгиланишини таклиф этади. Масалан, айнан суғурта ходисанинг келиб чиқиши билан боғлиқ маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан талаб қилиб олиш ҳуқуқини суғурталовчининг мажбурияти сифатида белгилаш таклифини илгари суради. Ушбу бобнинг иккинчи параграфида «*Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун тарафлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари*»-ёритилган.

Суғурта шартномаси тарафлари бўлган суғурта қилдирувчига нисбатан жавобгарлик чораси суғурталанаётган объект ҳақида нотўғри маълумот берганда, суғурта товонини кўпроқ олиш мақсадида суғурталанётган объект қийматини ошириб кўрсатганда, суғурта ходисани қасддан содир қилишда намоён бўлади. Суғурта қилдирувчининг бундай ҳатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарнинг миқдорига қараб, суғурта шартномасининг турига ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқий мақомига қараб тегишли жавобгарлик чораси белгиланади. Яъни, суғурта шартномаси мажбурий турга мансуб бўлса, бу шартнома бўйича суғурта қилдирувчининг ўз мажбуриятини бажармаслиги натижасида учинчи шахс наф олувчига зарар етказилади. Бу ҳолатда етказилган зарар суғурта қилдирувчи томонидан тўлиқ қопланиши билан бир қаторда шартномада назарда тутилган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилади. Мажбурий суғурта шартномаларида суғурта қилдирувчининг қонун олдидаги мажбурияти ҳали шартнома тузмасдан шу турдаги шартномани тузишга доир мажбурияти вужудга келади. Лекин, мажбурий суғуртани барча турларини ўз вақтида тузмаганлик учун бир хилда жавобгарлик белгиланмаган. Фақат, иш берувчининг ва транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузмаганлиги учун маъмурий жавобгарлик чораси белгиланган холос. Юқоридагиларга кўра, диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Мажбурий (давлат мажбурий) суғуртани амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрига кўра, суғурта соҳасидаги аксарият қонунбузилиш ҳолатлари суғурталовчилар томонидан йўл қўйилаётганлигини ва суғурталовчиларнинг суғурта қилдирувчиларга нисбатан профессионал билими юқорилигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг «Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик»-деб номланган XIII бобига «Суғурта ташкилотлари томонидан суғурта шартномасини тузиш ва ижро этишга оид қонун талабларини бузиш», «Суғурта бозори профессионал

иштирокчилари томонидан ўз фаолиятини амалга оширишда қонун талабларини бузиш»-, ҳамда барча мажбурий суғурта шартномасини ижросини бир хилда таъминлаш мақсадида «Мажбурий суғуртани амалга оширишга доир қонун талабларини бузиш»деб номланган янги моддаларни киритиш таклиф этилган.

«*Суғурта шартномаси тарафларининг жавобгарлигини такомиллаштириш ва унинг суғуртани ривожлантиришдаги аҳамияти*» деб номланган учинчи параграфда Ўзбекистон Республикасининг суғурта муносабатларини тартибга солишга қаратилган айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва таклиф этилган.

Хусусан, суғурта шартномаси мажбуриятларини бузилишида мажбуриятни бузган тарафнинг айблилик даражаси ҳар томонлама таҳлил этилиши лозим. Бу ушбу мажбуриятни бузган тарафга жавобгарликни белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик кодексининг 949-моддаси, 4-қисмига кўра, «Суғурта қилувчи ёхуд наф олувчи ушбу мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суғурталовчи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш туфайли етказилган зарар қопланишини талаб этишга ҳақли». Ушбу жумла мазмуни илмий таҳлил этиладиган бўлса, «**суғурта қилувчи**» сўзи «суғурталовчи» сўзи билан синоним бўлганлиги, шунингдек, бу сўз ортида суғурта ташкилотлари назарда тутилишини инобатга олсак, ушбу жумлада мулкий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта хавфини ортишига жиддий таъсир қилувчи ўзгаришлар ҳақида суғурталовчининг ўзига-ўзи хабар қилиш мажбурияти белгиланганлигини ифодалайди. Албатта, бу мажбурият суғурта қилдирувчининг мажбурияти ҳисобланиб, суғурталовчига нисбатан бундай мажбурият юклатилиши илмий-назарий жиҳатдан мутлақо тўғри. Ушбу модданинг 4-қисми мазмунини тўғри қўллаш мақсадида «**суғурта қилувчи**» сўзини «**суғурта қилдирувчи**» сўзи билан алмаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 953-моддаси иккинчи қисмидаги «Қонунда суғурта ҳодиса **суғурта қилувчининг** ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилиши мумкин»-деган жумлада «суғурта қилувчининг» сўзи нотўғри қўлланилган. Чунки, суғурта қилувчи сўзи «суғурталовчи» сўзи билан синоним бўлганлиги, шунингдек, бу сўз ортида суғурта ташкилотлари назарда тутилишини инобатга олсак, суғурта ҳодиса суғурталовчининг айбли ҳаракатлари натижасида содир бўлса-да суғурта товонини тўлашга доир мажбуриятдан қисман ёки тўлиқ озод этилиши назарда тутилади. Ушбу модданинг иккинчи хатбошиси мазмунида суғурталовчининг суғурта товонини тўлашга доир мажбуриятдан озод этиш тамойилларини тўғри қўллаш мақсадида «**суғурта қилувчи**» сўзи «**суғурта қилдирувчи**» сўзи билан алмаштирилиши лозим. Шунингдек, 930, 949, 952-моддалардаги ушбу сўзалар ўзаро алмаштирилиши лозим. Чунки, илмий тадқиқот натижаларига кўра, «суғурта қилувчи» сўзи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Кредитор ҳуқуқларининг қонун асосида бошқа

шахсга ўтиши»-деб номланган 318-моддасида, «Қурилиш объектини суғурталаш»-деб номланган 660-моддасида, «Ихтиёрий ва мажбурий суғурта»-деб номланган 914-моддасида «суғурталовчи» сўзи ўрнида ишлатилган бўлса, 930, 949, 952, 953-моддаларида «суғурта қилдирувчи» сўзи ўрнида ишлатилганлиги суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятларини нотўғри белгиланишига олиб келган. Юқоридаги таклифни тадбиқ этилиши Кодексдаги ана шу камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Суғурта полиси фақат суғурта бадали тўланган куни берилиши, суғурта бадали тўланмай туриб берилган полислар учун эса, суғурта ҳодиса рўй берганида, шу полисни берган суғурта ташкилоти ходимининг жавобгарлигини белгилаши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Суғурта шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги масалаларини комплекс тадқиқ этиш ва бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида қўйидаги концептуал хулосаларга келишга ва тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Диссертацияда суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини илмий таҳлил этиш жараёнида суғурта муносабатларини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчиликда суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида акс эттирувчи суғурта шартномасига таъриф берилмаганлиги алоҳида эътиборга олиниб, суғурта шартномасининг таърифи ишлаб чиқилди.

«Суғурта шартномаси ёзма равишдаги келишув бўлиб, унга кўра, бир тараф (суғурта ташкилоти) кўзда тутилган суғурта ҳодиса (воқеаси) юз берганида, иккинчи тараф (суғурталанувчи ёки суғурта товонини олишга ҳақли бўлган бошқа шахс)га етказилган зарар миқдориди (суғурта пули доирасида) суғурта товони тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатда суғурта бадаллари ва мукофотларини тўлаш мажбуриятини олади».

2. Суғурталовчи суғурта шартномасининг бир тарафи сифатида нафақат суғурта қилдирувчининг ёки наф олувчининг олдидаги мажбуриятларга эга балки, ўз фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ давлат олдидаги ношартномавий мажбуриятларга ҳам эга. Бу мажбуриятлар бир-бирини ижросини таъминлашга хизмат қилади.

3. Суғуртага оид шартномавий муносабатлар ўз таркиби ва мазмун-моҳиятига кўра мураккаб шартнома бўлиб, бунда бошқа шартномалардан фарқли ўлароқ барча суғурта шартномаларида ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар томонидан эркин тарзда белгиланмаслиги билан фарқланади. Яъни, мажбурий

ва давлат мажбурий суғурта шартномаси тарафларининг суғурта шартномасига доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари махсус норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланиб, тарафлар унга риоя қилиши мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-бобида «суғурта» сўзининг тушунчаси ифода этилмаганлиги натижасида суғуртанинг моҳияти турлича талқин этилаётганлиги тадқиқ этилиб, «суғурта» нинг қуйидаги таърифи ФКнинг 52-бобига киритилиши лозим: «Суғурта - юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган бадаллар ҳисобига шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан шу шахсларга суғурта шартномасида белгиланган ҳолат, воқеа, ҳодиса ва табиий офатлар содир бўлиши натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни қисман ёки тўлиқ миқдорда қоплаш йўли билан ҳимоялаш демакдир».

5. Тадқиқот натижасида суғурта шартномасининг мажбуриятига қуйидагича таъриф берилди: «Суғурта шартномасида мажбуриятлар икки тарафлама вужудга келиб, бир тарафнинг (суғурталовчи) келгусида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар, молиявий йўқотишлар ёки бирор бир воқеа рўй берганида суғурта пули ёки суғурта товонини шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаб бериш бўйича мажбурияти вужудга келса, суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанувчининг эса шартномада белгиланган муддатда суғурта бадалини тўлаш ҳамда суғурталанаётган объектни ҳар қандай зарарланишдан эҳтиёт қилиш мажбурияти вужудга келади».

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 914-моддаси «Ихтиёрий ва мажбурий суғурта»-деб номлансада, ҳар икки суғуртанинг тушунчаси берилмаган. Ушбу суғурта турларининг бир-биридан фарқли жиҳатларини аниқлаштириш мақсадида мажбурий суғурта шартномаси таърифи қуйидагича берилиши лозим: «Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилдирувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкани ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда тузиладиган шартномалар мажбурий суғурта шартномаларига киради. Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи суғурта шартномаси шартларини белгилашда суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларга амал қилиши шарт. Яъни шартноманинг бу турида мажбуриятларнинг вужудга келиши ҳам қонун билан белгиланган муддатдан бошланади».

7. Ихтиёрий суғуртанинг мажбурий суғуртадан фарқли жиҳатларини очиқ бериш мақсадида «Ихтиёрий суғурта шартномаси»нинг умумий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича талқин этилиши лозим: «Жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий аризалари асосида мулкӣ ва шахсий манфаатларини суғурта ҳодисаларидан ҳимоялаш мақсадида суғурта ташкилоти билан тузиладиган шартномалар ихтиёрий суғурта шартномалари ҳисобланади. Ихтиёрий суғурта шартномасининг шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ихтиёрий белгиланади».

8. Суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчига нисбатан суғурталовчининг профессионал билим ва маҳоратга эга эканлиги инобатга олиниб, суғурта шартномаси шартларини ҳамда суғурта шартномасидаги терминларни ушбу шартномани тузиш жараёнида суғурта қилдирувчига тушунтириш суғурталовчининг асосий мажбурияти сифатида белгилаш таклифи илгари сурилади. Яъни суғурта шартномаларини расмийлаштириш билан боғлиқ келиб чиқадиган низолар бўйича етказилган зарарни қоплаш суғурталовчининг зиммасига юклатилиши лозим.

9. Суғурта шартномаси тарафларига мажбуриятни бузганлиги учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асосини белгилаш ушбу шартномадаги суғурта қилдирувчининг ҳуқуқий мақомига боғлиқдир.

10. Суғурта шартномасида тарафларнинг мажбуриятларини илмий таҳлил этиш натижалари бугунги кунда суғуртанинг шартнома мажбуриятларини таъминлаш усули сифатида ўзини самарасини бериб келаётганлиги қайд этилади. Ана шу жиҳатдан суғуртани Фуқаролик қонун ҳужжатларида шартнома мажбуриятларини таъминлаш усуллари қаторига киритиш таклифи илгари сурилади.

11. Тадқиқот натижаларига кўра, суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи суғурта шартномасининг асосий тарафлари ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунида суғурталовчига илмий таъриф берилган бўлса-да, бугунга қадар шартноманинг иккинчи тарафи ҳисобланган суғурта қилдирувчининг таърифи суғурта қонунчилигида ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг айрим 930, 952, 953-моддаларида ушбу сўз «суғурта қилувчи» тарзида қўлланилиши натижасида ушбу моддаларнинг мазмунида суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари суғурталовчига юклатилган.

Юқоридагиларга кўра, суғурта қилдирувчи суғурта бозоридаги асосий буюртмачи бўлиб, унинг таърифини **«Суғурта қилдирувчи - муомала лаёқатига эга бўлган, ёзма равишда суғурта ташкилоти билан шартнома тузиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслардир»**- деган мазмундаги тахрирда баён этилиши ҳамда ушбу таърифни қонунчиликда мустаҳкамланиши суғурталовчига шартномавий муносабатга киришишда суғурталовчи сифатида буюртма берган жисмоний ёки юридик шахсни муомала лаёқатига эга ёки эга эмаслигини аниқлаш мажбуриятини юклаш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларидаги ноаниқликларни бартараф қилишга хизмат қилади.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

1. Суғурта шартномасини тартибга солишга доир Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-бобини «суғурта шартномаси», «ихтиёрий суғурта», «мажбурий суғурта», «Суғурталовчининг мажбурияти», «суғурта қилдирувчининг мажбурияти», «суғурта товони» каби тушунчаларни

очиб беришга доир янги моддаларни киритган ҳолда мантикий тизимлаштириш лозим;

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси суғурталовчи томонидан суғурта шартномаларида ўз мажбуриятини бажармасликка оид турли шартларни назарда тутганлиги учун жавобгарликни белгиловчи қуйидаги мазмундаги 930-1-модда билан тўлдирилсин:

«930-1-модда. Суғурта шартномасида суғурталовчи томонидан ғайриқонуний шартларни белгилаш оқибатлари

Суғурталовчи атайлаб, ўз манфаатини кўзлаган ҳолда ўзининг мажбуриятларини бажаришни истисно этувчи ғайриқонуний шартларни шартномада белгилаши натижасида суғурта қилдирувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш билан бир қаторда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши шарт».

3. Юридик шахс тугатилиши билан ёки шартнома тарафи ҳисобланган жисмоний шахс вафот этиши билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши масалалари суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан махсус тартибга солинмаган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948-моддаси биринчи қисмига «Суғурта қилдирувчи жисмоний шахснинг вафот этиши (агар 946-моддага кўра, суғурта қилдирувчи алмаштирилмаса) ёки юридик шахснинг тугатилиши (агар ҳуқуқий вориси бўлмаса)»-деган жумлаларни киритиш суғурта қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

4. Суғурта шартномасида тарафларининг тенг ҳуқуқлилик тамойилини ифодалаш мақсадида 948-моддаси тўртинчи қисми матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчи ёки суғурта қилдирувчи ўзаро келишув асосида суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурта шартномаси амалда бўлган муддатга мутаносиб равишда суғурта бадалини ушлаб қолган ҳолда, суғурта бадалини қолган қисми қайтариб берилади. Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг айби билан бекор қилинса шартноманинг амал қилиш муддатидан қатъий назар суғурта бадали суғурта қилдирувчига тўлиқ қайтариб берилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948-моддасига «суғурта объекти суғурта шартномасида назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича нобуд бўлганда суғурта бадалининг шартнома амалда бўлган муддатга ҳисобланган қисмининг 50 фоизи қайтариб берилади»-деган мазмунда ўзгартириш киритиш лозим.

6. Амалиётда кўп ҳолларда «суғурта товони» тушунчаси «суғурта пули» тушунчаси билан алмаштирилаётганлиги ва суғурта шартномаси мажбуриятини бажаришда мавҳумликни келтириб чиқараётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қуйидаги мазмундаги 934-1-модда билан тўлдирилиши лозим:

«934-1-модда Суғурта товони

«Суғурта товони - суғурта ходиса юз берганда суғурта қилдирувчига етказилган зарар миқдоридан, лекин суғурта пули доирасидан ошмаган миқдорда

тўланадиган пул тўловидир».

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 953-моддаси иккинчи қисмидаги «Қонунда суғурта ҳодиса **суғурта қилувчининг** ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилиши мумкин»-деган жумлада «суғурта қилувчининг» ибораси нотўғри қўлланилган. Чунки, суғурта қилувчи сўзи «суғурталовчи» сўзи билан синоним бўлганлиги, шунингдек, бу сўз ортида суғурта ташкилотлари назарда тутилишини инобатга олсак, суғурта ҳодиса суғурталовчининг айбли ҳаракатлари натижасида содир бўлса-да суғурта товонини тўлашга доир мажбуриятдан қисман ёки тўлиқ озод этилиши назарда тутилади.

Ушбу модданинг иккинчи хатбошиси мазмунида суғурталовчининг суғурта товонини тўлашга доир мажбуриятдан озод этиш тамойилларини тўғри қўллаш мақсадида «**суғурта қилувчи**» сўзи «**суғурта қилдирувчи**» сўзи билан алмаштирилиши лозим. Шунингдек, 930, 949, 952-моддалардаги ушбу сўзалар ўзаро алмаштирилиши лозим. Чунки, илмий тадқиқот натижаларига кўра, «суғурта қилувчи» сўзи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Кредитор ҳуқуқларининг қонун асосида бошқа шахсга ўтиши» - деб номланган 318-моддасида, «Қурилиш объектини суғурталаш» -деб номланган 669-моддасида, «Ихтиёрий ва мажбурий суғурта»-деб номланган 914-моддасида «суғурталовчи» сўзи ўрнида ишлатилган бўлса, 930, 949, 952, 953-моддаларида «**суғурта қилдирувчи**» сўзи ўрнида ишлатилганлиги суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятларини нотўғри белгиланишига олиб келган. Юқоридаги таклифни тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидаги ана шу камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

8. Фуқаролик кодексининг 938-моддасининг охириги хатбошисидаги «Суғурталовчи шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда тўланиши лозим бўлган суғурта пулини тўлашдан, агар унинг вафоти ўз жонига қасд қилиш оқибатида рўй берган бўлса ва бу вақтгача суғурта шартномаси камида икки йил амал қилган бўлса, озод қилинмайди»-деган жумлалар ушбу моддадан чиқариб ташланиши адолатли ҳисобланади. Чунки, ушбу таклифни киритишдан мақсад суғуртанинг тамойилларига амал қилган ҳолда суғурта даромад манбаига айланиб қолинишини олдини олишдан иборатдир.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 938-моддасини қуйидаги 5-қисм билан тўлдириш лозим: «Агар суғурта шартномасидаги суғурта пулини ошириб юборилганлиги ўзига аён бўлган ҳолда келгусида суғурта бадали миқдорини кўпроқ талаб қилиш мақсадида суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси тузилганда суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ миқдори суғурта қилдирувчига қайтариб берилиши билан бир қаторда бу билан боғлиқ етказилган зарар тўлиқ қопланади». Ушбу ўзгартиришни киритилиши суғурталовчилар томонидан суғурта қилинаётган объект қийматини суғурта шартномаси тузилгунга қадар текшириб олиш

мажбуриятини янада кучайтиради ва натижада суғурта объектининг қиймати билан боғлиқ низоларни келиб чиқишини олди олинади.

10. Суғурта соҳасидаги аксарият қонунбузилиш ҳолатлари суғурталовчилар томонидан йўл қўйилаётганлиги, бугунги кунда ушбу кодексда фақатгина мажбурий суғурта шартномасини тузмаган иш берувчи ва транспорт эгаларининг жавобгарлиги назарда тутилганлиги, бошқа хорижий ва МДХ давлатларининг ушбу кодексда суғурталовчиларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор жавобгарлик чоралари ўз ифодасини топганлиги ҳамда суғурталовчиларнинг суғурта қилдирувчиларга нисбатан профессионал билими юқорилигини инобатга олган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг «Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик»-деб номланган XIII бобига «Суғурта ташкилотлари томонидан суғурта шартномасини тузиш ва ижро этишга оид қонун талабларини бузиш|»-деб номланган алоҳида янги модда киритилиши лозим.**

11. Суғурта бозорини ривожлантиришда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ишончли фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг ўз вазифасига виждонан ёндошиши ҳамда фақатгина қонун талаби асосида фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексига **«Суғурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан ўз фаолиятини амалга оширишда қонун талабларини бузиш»-деб номланган янги модда киритилиши лозим.**

12. Барча турдаги мажбурий ва давлат мажбурий суғурта шартномасини ижросини бир хилда таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексига **«Мажбурий суғуртани амалга оширишга доир қонун талабларини бузиш»-деб номланган янги моддани киритиш лозим.**

13. Суғурта агентларининг суғурта шартномаси тузиш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида **«Суғурта агентлари тўғрисида»**ги Низомда агентларнинг шартномадаги мажбуриятини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида суғурталовчига ва суғурта қилдирувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаши билан бир қаторда уларга фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик белгилаш лозим.

14. Мажбурий суғуртани ижросини бир хилда таъминлаш ҳамда мажбурий суғурта соҳасидаги юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон **Республикасининг «Мажбурий (давлат мажбурий) суғуртани амалга ошириш тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш лозим.**

15. Тадқиқот натижасига кўра, суғурта хизматига оид муносабатлар фуқаролик, маъмурий, молиявий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид қоидаларни ўз ичига олади. Амалдаги суғурта қонунчилиги тарқоқ ҳолда қўлланилмоқда шунингдек, мавжуд қонунчилик суғурта муносабатларини ҳаммасини камрайд олмаслиги сабабли суғурта хизмати кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ягона Суғурта кодексига жамлаган ҳолда ушбу кодексни қабул қилиш мақсадга мувофиқ

16. Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи алоҳида Қонун мавжуд эмаслиги сабабли, амалиётда турли қонунлар асосида жавобгарлик қўлланилиб келинаётганлиги Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишни тақозо этади. Ушбу қонунда суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормалар билан бир қаторда тарафларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, суғурта шартномаси бўйича умумэтироф этиладиган муддатларни, яъни суғурта ходиса рўй берганида хабар бериш муддатини, суғурта товонини суғурталовчи томонидан тўлаш муддатлари, суғурта шартномаси бўйича белгиланган суғурта бадалларини тўламаслик оқибатларини акс эттирувчи нормалар ташкил этиши лозим.

III. Суғурта соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

1. Тадқиқот натижаларига кўра, суғурталовчилар томонидан мажбуриятларни бузилиши аксарият ҳолларда суғурталанувчилар учун суғурта товонини тўлашни кечиктириш билан боғлиқлиги қайд этилади. Бу эса тўлов билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш муддатини узоқ давом этаётганлиги, яъни суғурта товонини тўлашни амалга ошириш жараёнини мураккаблиги, суғурта товонини тўлаш марказлашган ҳолда амалга оширилиши юқоридаги муаммонинг асосий омилдир. Суғурта хизмати кўрсатиш соҳасини сифат даражасини оширишда суғурта қилдирувчилар учун суғурта товони тўлаш жараёнини соддалаштириш муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, суғурта ташкилотларининг жойлардаги филиалларига мустақил тарзда суғурта товони тўлаш ваколатини бериш таклифини илгари суради. Яъни, суғурта товони суғурта ходиса рўй берган жойдаги суғурта ташкилотларининг филиаллари орқали амалга оширилиши лозимлиги қайд этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида «суғурта полиси» тушунчаси, унинг мазмуни тўлиқ ёритилмаган. Суғурта полиси суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида шартнома тузилганлигини ифодаловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Суғурта полисининг мазмунига кўра, у қачонки биринчи суғурта бадали туланган вақтда берилиши лозим. Суғурта бадали тўланмай туриб берилган полислар учун эса, суғурта ходисаси рўй берганида, шу полисни берган суғурта ташкилоти ходимининг жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc30.08.2018.Уч.74.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

АМИНЖОНОВА МАТЛУБА АХМЕДОВНА

**ВОПРОСЫ ОБЯЗАННОСТИ И ОТВЕТСТВЕННОСТИ СТОРОН
ДОГОВОРА СТРАХОВАНИЯ**

**12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право. Семейное право.
Международное частное право**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2019.1 DSc/Yu96.

Докторская диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, английском и русском) на веб-странице Информационно-образовательного портала «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Усмонова Муборак Акмалжоновна доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Насриев Илхом Исмоилович доктор юридических наук, профессор Камалов Ойбек Ахматович доктор юридических наук, профессор Рустамбеков Исламбек Рустамбекович доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Таможенный институт Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «11» октября 2019 года в 10.00 часов на заседании Научного совета DSc30.08.2018.Yu.74.01 при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан. (Адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиотинский район, курган Чорсу. Тел.: 230-32-71; факс (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрирована под № _____), (Адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиотинский район, курган Чорсу. Тел.: 230-32-71).

Автореферат диссертации разослан “28 ” сентября 2019 года.

(протокол реестра № _____).

М.Х. Рустамбаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

М.М.Нурматов

Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

М.Б. Усмонов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во всем мире страховым услугам уделяется особое внимание как фактору поддержки, создающему условия развития экономики. Своевременное обеспечение прав и обязанностей сторон договора страхования служит увеличению резерва страховых премий. Следует отметить, что качество страховых услуг в мире оценивается исходя из суммы страховых премий. Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым для повышения качества оказания страховых услуг были определены задачи по уменьшению сроков и документов по рассмотрению страховых исков, внедрению системы справедливой оценки страховых случаев и оперативной выплаты платежей, разработке среднесрочной и долгосрочной стратегии развития сферы страхования, до 2022 года увеличить объем страховых премий на долю населения в три раза и удвоить долю отрасли в ВВП¹.

На современном этапе повышения качества страховых услуг во всем мире проводятся исследования с целью совершенствования прав и обязанностей сторон договора страхования и усиления их ответственности. В этой связи, важное значение имеет научный анализ совершенствования ответственности участников страховой деятельности, определения прав и обязанности страхователя и страховщика, совершенствования механизмов внедрения туристического, экологического, медицинского страхования, поиска научно-теоретических и практических решений обязанности сторонами по видам договоров страхования, правовых последствий гражданской ответственности, применяемых к сторонам за неисполнение обязательств.

Страховой рынок в Республике Узбекистан развивается в основном за счет обязательного страхования, а низкий спрос населения на добровольное страхование свидетельствует о том, что страховое законодательство не соответствует современным требованиям и международным стандартам. В пункте 3.1. Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 определена задача «расширения объемов страховых, лизинговых и иных видов финансовых услуг за счет внедрения их новых видов и повышения качества»². Также, в пункте 3.2. Государственной программы по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития», именуемого «Реформирование банковской и финансовой системы, а также внедрение в отрасль современных рыночных механизмов» определены задачи разработки концепции реформирования и ускоренного развития рынка страхования, в том

¹Мирзиёев Ш.М. Вопросы развития рынка страхования. Материалы заседания от 10.07.2019 года. www.president.uz

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. <http://www.lex.uz/docs/3107036>.

числе разработки новой редакции Закона «О страховой деятельности», объединения всех видов обязательного страхования в одном документе, расширения видов деятельности, подлежащих обязательному страхованию¹.

Диссертационное исследование послужит дальнейшему совершенствованию, обеспечению исполнения Гражданского кодекса, Кодекса об административной ответственности, Законов Республики Узбекистан «О страховой деятельности» (2002), «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств» (2008), «Об обязательном страховании гражданской ответственности работодателя» (2009), «Об обязательном страховании гражданской ответственности перевозчика» (2015), Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Государственной программы по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития», «Дорожной карты» по ускоренному развитию страхового рынка Республики Узбекистан на 2019-2020 год, утвержденной Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2019 года «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан», Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 19 мая 2018 года №17 «О некоторых вопросах применения судами законодательства при разрешении споров, вытекающих из договора страхования» и некоторых иных актов отраслевого законодательства, а также совершенствованию правовых механизмов оказания страховых услуг.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развитию науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением республики по развитию науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования по гражданско-правовому регулированию оказания услуг страхования, совершенствованию института страхования проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе, в Thompson Rivers University (Канада), University of Vienna (Австрия), University of Pennsylvania (США), University of Miami (США), University of Hamburg (Германия), Bournemouth University (Англия, графство Дорсет), Academy of European Law (Венгрия), The Centre for Environmental Law Macquarie

¹2017 –2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури <https://regulation.gov.uz/ru/document/1678>.

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; www.hs-mittweida.de; <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; www.rug.nl; <http://www.wfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; www.iseu.bsu.by.

(Австралия), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Республика Корея), Московском государственном университете (Россия).

По итогам научных исследований по гражданско-правовому регулированию страховых услуг, совершенствованию прав и обязанностей сторон договора страхования, достигнут целый ряд результатов, в частности: обосновано гражданско-правовое регулирование страхования туристов от разных рисков (University of Cambridge, Великобритания), разработан механизм регулирования страхования вреда, причиняемого в ходе использования информационных технологий (National institute of justice, США), разработаны и предложены новые виды страхования (National institute of justice, США), выявлена эффективность правового регулирования рисков, связанных с рождением здорового ребенка (University of Harvard, США), обосновано, что страхование ущерба, причиняемого при работе с информационной техникой является фактором повышения эффективности страхования (University of Oxford, Великобритания), (University of Heidelberg, Германия), (Okinawa International University, Япония), также разработаны пути совершенствования деятельности страховой деятельности (Всероссийская академия внешней торговли, Томский государственный университет, Российский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Российский государственный университет Туризма, Санкт-Петербургский государственный университет).

Сегодня в мире ведутся исследования по следующим приоритетным направлениям совершенствования экономического и правового механизма страховых услуг: гражданско-правового регулирования страхования интеллектуальной собственности, совершенствования механизмов обязательного страхования, дальнейшего совершенствования законодательных основ страховой деятельности, внедрения устойчивого развития в сфере страхования, введения мер стимулирования добровольных страхователей, определения привилегированных прав для страхователей по долгосрочным договорам страхования, комплексного правового регулирования страховых отношений.

Степень изученности проблемы. Рядом ученых Республики Узбекистан осуществлены научные исследования по совершенствованию страхового законодательства. Так, Х.Р.Рахмонкулов, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шорахметов, М.Б.Усмонов, О.Окюлов, К.О.Синдаров, А.А.Мухаммадиев, И.И.Насриев, Ж.Т.Холмуминов, Ш.Н.Рузиназаров, М.А.Усманова, С.С.Гулямов, Б.Б.Самархужаев, Р.Ж.Рузиев, К.К.Рашидов, Х.Т.Азизов, М.Х.Боротов, В.Е.Эргашев, Т.А.Умаров, М.М.Нурматов, И.Р.Рустамбеков, Н.Ф.Имомов проводили научные исследования основ заключения договоров, возникновения и расторжения обязательств по договорам. Кроме того в качестве фундаментального исследования изучены некоторые аспекты регулирования страховой деятельности. В частности, К.К.Рашидовым анализирована правовая система страхования ответственности, вопросы гражданско-правового регулирования страхования ответственности международных перевозчиков, Ю.Турсуновым изучена правовая система страховой деятельности, Н.Н.Абдуллаевой проводились исследования вопросов правового

